

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТУРСУНОВА НИГОРА БАТИРОВНА**

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯДА ЧАП ҚОРИНЧА МИОКАРДИНИНГ  
СТРУКТУРАВИЙ ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИ ВА АРТЕРИЯЛАРНИНГ  
ТАРАНГЛИК-ЭЛАСТИКЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ОРАСИДАГИ  
БОҒЛИКЛИК**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Турсунова Нигора Батировна**

Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал  
холати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги  
боғлиқлик.....3

**Турсунова Нигора Батировна**

Взаимосвязь между структурно-функциональным состоянием  
миокарда левого желудочка и упруго-эластическими свойствами  
артерий при артериальной гипертензии.....25

**Tursunova Nigora Batirovna**

The relationship between the structural and functional state left  
ventricular myocardium and elastic-elastic properties arteries with  
arterial hypertension.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТУРСУНОВА НИГОРА БАТИРОВНА**

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯДА ЧАП ҚОРИНЧА МИОКАРДИНИНГ  
СТРУКТУРАВИЙ ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИ ВА АРТЕРИЯЛАРНИНГ  
ТАРАНГЛИК-ЭЛАСТИКЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ОРАСИДАГИ  
БОҒЛИКЛИК**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2DSC/Tib556 рақам рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисолаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида [www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:** **Курбанов Равшанбек Давлетович**  
тиббиёт фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** **Камилова Умида Кабировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мухамедова Барно Фархадовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Раимжанов Абдулазиз Абдухафизович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:** **Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67; e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. Б. Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Г. У. Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

**А. Б. Шек**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (Dsc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Артериал гипертония (АГ) муаммоси ҳозирги кунга қадар кардиологияда энг муҳим бўлиб қолмоқда. У юрак қон томир асоратлари ва ўлимнинг етакчи хавф омили бўлиб, ер шари аҳолисининг учдан бир қисмида ташхисланади ва ҳар йили деярли 10 млн инсонларни ўлимга олиб келади. Артериал гипертония (АГ) гипертоник касалликнинг асосий синдроми ҳисобланиб, бош мия, юрак, томир ва буйрак каби нишон аъзолар шикастланишининг хавф омили саналади. «...артериал гипертония пандемия характериға эға бўлишиға қарамай, ҳозиргача чап қоринча гипертоник гипертрофия (ЧҚГ) (ёки гипертоник юрак hypertensive heart disease) кечишининг тузилишли-функционал хусусияти ҳақида жуда кам маълумот мавжуд. АГнинг узок давомли кечишида чап қоринчанинг қалинлашиши ҳисобига миокард деворлари (концентрик гипертрофия)...»<sup>1</sup> юқори даражадаги юкни енгиб ўтади. Босимнинг ошиши билан боғлиқ чап қоринча гипертоник гипертрофияси ривожланишининг классик моделиға кўра, дастлабки босқичларда миокарднинг қалинлашиши мослашувчан турда бўлади, шу билан бирға юрак дастлабки юқори систолик босим туфайли систолик юкломани камайтиришға муваффақ бўлади. Миокард қалинлашганда, юклама ва қисқариш иши ўртасидаги фарқ минималлашади ҳамда юрак компенсатор гипертрофиянинг янги босқичиға ўтади. Шу сабабли артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал холати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятларини самарали даволаш замонавий кардиологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал холати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғликликни илмий асослаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада артериал гипертезияли беморларида хавф омилларини, клиник-гемодинамик кўрсаткичлар билан юракнинг тузилишли ҳамда функционал ўзгаришларини, артериал босимнинг кунлик профили ҳисоби билан юракни қайта моделлаштириш параметрларини, умумий уйқу артериясининг тузилишли-функционал ўзгаришларини ҳамда комбинацияланган гипертензияға қарши терапиянинг моделлаштиришға қарши самарадорлигини оширишға қаратилган илмий изланишларни амалға ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сурункали юрак касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтириш қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолиға кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж

---

<sup>1</sup> Кузьмина С.В. Особенности ремоделирования миокарда левого желудочка в зависимости от генетических факторов у детей с артериальной гипертензией/ Автореферат дисс. канд. мед. наук/ Кузьмина С.В. - Санкт-Петербург, 2010. - 21 с

хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни башаротлашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни илмий асослашга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Boston, University of Washington, University of Kansas (АҚШ); University of Vita Salute, University of Pavia, Università di Pisa Medica (Италия); University of Hospital 'Dr. Dragisa Misovic - Dedinje' (Сербия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); University of Maastricht (Голландия); National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Université of Paris-Sud (Франция); University of Jagiellonian (Польша); University of Sheffield (Буюк Британия); University of Infants (Ирландия) Guangdong Medical University (Хитой); University of Antwerp (Бельгия); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); Yonsei University (Корея); University of Sydney (Австралия); Jazan University (Саудия Арабистони); Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.washington.edu](http://www.washington.edu), [www.ku.edu](http://www.ku.edu), [www.atlantaoralpathology.com](http://www.atlantaoralpathology.com), [www.univr.it](http://www.univr.it), [www.unipv.it](http://www.unipv.it), [www.uksh.de](http://www.uksh.de), [www.keio.ac.jp](http://www.keio.ac.jp), [www.ico.gencat.cat](http://www.ico.gencat.cat), [www.uoa.gr](http://www.uoa.gr), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.jazanu.edu.sa](http://www.jazanu.edu.sa), [www.rims.edu.in](http://www.rims.edu.in), [www.rnioi.ru](http://www.rnioi.ru), [www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz), [www.toshvilonko.uz](http://www.toshvilonko.uz) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни оптималлаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: артериал гипертония касаллигида чап қоринчанинг гиперторфик ўзгаришларнинг ўрни ва ахамияти исботланган (University of Boston, АҚШ); юрак етишмовчилигидаги гипертрофияда коронар микротомир дисфункцияси ва унинг ривожланиш омиллари исботланган (University of Vita Salute (Италия); ўпка артериал гипертензиясида ўнг қоринчанинг томирларнинг эпигенетик регуляциясининг ремоделланиши исботланган (University of Maastricht, Голландия); ESC 2018 дастури асосида ҳомиладдорлик давридаги артериал гипертензия, юрак қон томир касалликлари, инфаркт миокард, миокарднинг ревазуляризацияни баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган University of Antwerp (Белгия); артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлиги исботланган (Республика ихтисослаштирилган кардиорлогия илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни илмий асослаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, артериал гипертония билан хастланган беморларида артериал босимнинг кунлик профилини бузилиши ва клиник-гемодинамик кўрсаткичлар, хавф омиллари ҳисоби билан артериал гипертонияли беморларда томирларнинг эгилувчан-эластик хусусиятларини асослаш; артериал гипертонияли беморларда минтақавий ва тизимли томир суюқликлари даражаси билан юракнинг чап бўлимларини қайта моделлаштириш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қиёсий баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЧҚГ юрак қон томир касалликлари ривожланиши ва ўлим учун мустақил хавф омиллари ҳисобланиши ҳақидаги эпидемиологик далиллар, бугунги кунда жуда ишончли саналади (D.Levy, R.J. Garrison, D.D. Savage et al, 1990; P.Verdecchia, G. Schillaci, C. Borgioni et al, 1998). Ҳозирги вақтда популяцион тадқиқотлари жараёндан олинган маълумотлар беморлар прогнозини баҳолаш нуқтаи назарида тасдиқланган ва патогенетик позицияларда асосланган. Аксарият тадқиқотлар кўрсатишича, юракнинг систолик ва диастолик фаолияти, коронар гемодинамиканинг бузилиши билан ЧҚГнинг мавжудлиги, юрак етишмовчилигининг ошган хавфи, тўсатдан кузатилган юракдан ўлим ва коронар томирлар атеросклерозининг тезлашиши бирикади. ЧҚГ частотаси ёш ошган сари авж олади. Ҳар 10 йилда ЧҚГ ривожланиш хавфи 15% ортади. Sheridan D.J., 1998 маълумотларига кўра, 65 ёшдан катта эркакларда ЧҚГ тарқалганлиги 25% ни ташкил қилади. Даволанмаган АГ беморларида ЧҚГ

даражаси артериал босим ошишининг 1 –даражасида 10%, 3-даражасида 90% га ўзгариб туради. Гипертоник касаллик (ГК) кузатилган беморларда чап қоринча миокард гипертрофияси юракнинг шикастланиш маркери сингари 1980 йил ЖССТ экспертлар Қўмитаси томонидан тақдим қилинган. Ўша вақтдан бошлаб, нишон органлар шикастланиши бўйича ГК таснифи ўзгарди ва янги мезонлар билан тўлдирилди ҳамда янги диагностик методлар тиббиёт амалиётига параллел ҳолда татбиқ этилди. 2007 йили томир деворлари шикастланиш мезонига янги параметр–тўлқиннинг тарқалиш тезлиги (ТТТ) киритилди, у артериал деворнинг эгилувчан-эластик хусусиятини баҳолашнинг “олтин стандарти” деб тан олинди (Guidelines for the Management of Arterial Hypertension: The Task Force for the Management of Arterial Hypertension of the European Society of Hypertension (ESH) and of the European Society of Cardiology (ESC), 2007). Сўнгги ўн йилликда АГ бўйича мутахассислар диққати эластик туридаги томирларни қайта моделлаштириш жараёни ва унинг клиник аҳамиятини ўрганишга қаратилди. АГни даволаш бўйича (ESH/ESC (European Society of Hypertension/European Society of Cardiology, 2018) тавсияномаларида аортал қаттиқлик фатал ва нофатал юрак қон томир ҳолатларига нисбатан мустақил прогностик аҳамиятга эгаллиги кўрсатилди ( Mattace-Raso FU, Van der Cammen TJ, Hofman A, et al. 2006).

Қатор нашрларда миокард ва бош мия сингари нишон органларнинг аортал қаттиқлиги пайдо бўлишида шикастланиш механизмлари тушунтирилди (Шевелев В. И., Канорский С. Г. 2012, Кобалава Ж. Д., Котовская Ю. В., Моисеев В. С. 2009). Томир деворлари қаттиқлигини ўлчаш муаммосининг замонавий ҳолати 2017 йили Hypertension журналида нашр қилинган юракнинг Америка ассоциацияси тавсияномаларида исботли ёритилди ((Шевелев В. И., Канорский С. Г. 2012, Кобалава Ж. Д., Котовская Ю. В., Моисеев В. С. 2009).

Мамлакатимизда артериал гипертония ва унинг асоратларни ташхислаш ва самарали даволаш тизими ташкиллаштириш, касалликнинг асоратларни олдини олиш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Р.Д.Қурбонов, А.Г.Гадаев, Н.М.Нуруллаева, 2020) бироқ, артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлик муаммосини ўзининг ечимини топмаган.

Бахтга қарши, чап қоринча миокардининг тузилишли-функционал ҳолати ва артериал гипертонияда артериянинг эгилувчан-эластик хусусияти минимал, қўлланадиган методлар эса хатолардан ҳоли эмас. Шундай қилиб, муаммо мунозаралилигича қолмоқда, чунки илмий –тадқиқот ишнинг танланган йўналиши бугунги кунда хал қиқлиниш зарур бўлган долзарб муамолардан биридир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган

кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-2017-091210 «Атеросклерозни солиштирма қиёсий фармакотерапиясини оптималлаштириш орқали эссенциал гипертонияда томирларнинг муддатида илгари қаришнинг эрта ташхислаш усуллари» мавзусидаги грант лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022) йй.

**Тадқиқотнинг мақсади** томир ва юракнинг тузилишли-функционал ўзгариш хусусиятини аниқлаш, шунингдек, гипертензив терапияга қарши терапиянинг органопротектив самарадорлигини баҳолаш билан артериал гипертонияда юрак ва қон томирни қайта моделлаштиришнинг ноинвазив ташхисотини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

артериал гипертонияли беморларида хавф омиллари ҳисоби ва клиник-гемодинамик кўрсаткичлар билан юракнинг тузилишли ҳамда функционал ўзгаришларини баҳолаш;

артериал гипертонияли беморларида артериал босимнинг кунлик профили (АБКП) ҳисоби билан юракни қайта моделлаштириш параметрларини баҳолаш;

артериал гипертонияли беморларида АБКП бузилиши ва клиник-гемодинамик кўрсаткичлар, хавф омиллари ҳисоби билан умумий уйқу артериясининг тузилишли-функционал ўзгаришларини баҳолаш;

артериал гипертонияли беморларида АБКП бузилиши ва клиник-гемодинамик кўрсаткичлар, хавф омиллари ҳисоби билан АГ беморларида томирларнинг эгилувчан-эластик хусусиятларини аниқлаш;

артериал гипертонияли беморларида минтақавий ва тизимли томир суюқликлари даражаси билан юракнинг чап бўлимларини қайта моделлаштириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

комбинацияланган гипертензияга қарши терапиянинг моделлаштиришга қарши самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, 30-75 ёшдаги ҳар иккала жинс вакиллариинг артериал гипертониянинг I-III даражасидаги 219 нафар беморлар (ESC/ESH, 2018) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник текширув, артериал босимнинг кунлик профилини, юракнинг тузилишли ва функционал ўзгаришини, умумий уйқу артериясининг тузилишли ва функционал ўзгаришини, минтақавий ва тизимли томир суюқлиги даражасини, эгилувчан-эластик хусусиятини, қоннинг биокимёвий профилини ҳамда ренал функцияни баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг усуллари. артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва башоратлашда клиник, аналитик, биокимёвий, ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юракнинг гемодинамик ўзгариш хусусиятлари нафақат юракнинг анъанавий структура ва функционал параметрлари, балки тўқима доплерография параметрлари билан комплекс баҳоланиш кераклиги асосланган;

илк бор ўзбек популяциясининг АГ мавжуд беморларида кардиоваскуляр қайта моделланишнинг тузилишли-функционал параметрлари билан боғлиқлиги ҳамда томир деворларининг минтақавий ва локал қаттиқлик кўрсаткичларининг қон томирлар деворлари қаттиқланиши ҳисобига патогенетик роли исботланган;

чап қоринча диастолик дисфункциясининг (ЧҚДД) артериал ва миокардиал қаттиқлиги билан ўзаро боғлиқлиги асосланиб, жумладан, Бакберг индекси ишончли паст бўлган, пульс тўлқинининг тарқалиш тезлиги (ПТТТ) кўрсаткичи эса чап қоринча диастолик дисфункцияси кузатилган беморлар гуруҳида морфофункционал тузилиши сабабли сезиларли юқорилиги исботланган;

томир деворлари юқори қаттиқлиги билан юракнинг чап бўлимлари ҳажмли кўрсаткичларининг ижобий ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, умумий уйқу артерияси, аорта (пульс тўлқини тезлиги маълумотлари бўйича) деворлари эгилувчанлигига, томир каркасининг юқори қаттиқлиги, релаксация ва тортишишга миокарднинг паст таъсир этишини исботланган;

АГ беморларида “интима-медиа” комплекси қалинлигига боғлиқ ўзгариши артериал қаттиқликнинг фақат иккита предикторига (Петерсон ва Юнг эластиклиги модули) ўз ҳиссасини қўшиши исботланган;

АГ беморларида томирларнинг эгилувчан-эластик хусусиятлари ва юракнинг тузилишли функционал ўзгаришларига асосланган ҳолда танланган дифференцирланган антигипертензив терапиянинг органопротектив самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касаллик босқичи ва даражасидан қатъий назар, юрак қон томир қайта моделлаштириш предикторларини аниқлаш мақсадида аппланацион тонометрия, БЦА, УТТ, ЭХОКГ усуллари билан нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланишини ташхислаш барча АГ беморларига тавсия қилинган;

АГ беморларининг комплекс текшируви артериал қаттиқлик параметрларини бир вақтда аниқлаш билан АБ ни кунлик мониторингини олиб боришни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

АБ вариабеллигининг ошиши юрак қон томир хавфи юқори бўлган гуруҳга беморларнинг мойиллигини белгилаб, томир қаттиқлиги билан тузатилган;

Нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланиши билан АГ нинг юқори хавфи кузатилган беморлар «Гипертоник касалликнинг II даражаси» клиник ташхисига мос келади, уларга кальций антагонистлари ёки диуретиклар комбинациясида РААС блокаторлари билан икки компонентли терапияни бошлаш тавсия қилинган;

икки томонлама антигипертензив терапияга резистентликда АГ беморларига кальций антагонистлари ёки диуретиклар комбинациясида РААС блокаторлари билан уч компонентли антигипертензив терапия тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, аналитик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти томирни қайта моделлаштиришнинг ифодаланиши билан ЧҚДД тўғридан-тўғри тузатилиши, кўтарилган артериал ва миокардиал қаттиқлик ҳам ЧҚДД ифодаланиши билан бирикканлиги, АБнинг нохуш кунлик профили юракни қайта моделлаштиришнинг қайтарилмас жараёнига, жумладан, ЧҚДД ривожланиши ва ЧҚ қайта моделлаштиришнинг концентрик характери билан ЧҚГ ифодаланишига олиб келиши, АГ кузатилган беморларда ПБ, цСАБ, АІх и СРПВ нинг ошиши уйқу артериясида атеросклеротик шикастланиш даражасининг ортишида кузатилиши, ушбу кўрсаткичларнинг ошиши гемодинамик жиҳатдан САда атеросклеротик жараён оғирлигини акс эттиришидан далолат бериши, томир қаттиқлигининг ошиши кузатилган АГ беморларида (СРПВ 10 м/с дан ортиқроқ) концентрик гипертрофия ва чап қоринча миокардининг концентрик ремоделлаштириш шаклланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти артериал гипертония кузатилган беморларда нишон аъзоларнинг клиник ҳолатгача шикастланишини эрта ташхислаш зарурати, касалликнинг клиник кечиши ва хавф омиллари билан боғлиқ асоратлар ривожланиш хавфини ўз вақтида баҳолашдан иборатлиги, бу шубҳасиз, касаллик профилактикаси ва даволашга самарали ёндошиш ҳамда АГ кузатилган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини баҳолашга қаратилган илмий натижалар асосида «Артериал гипертензия билан хастланган беморларнинг тахлика-

стратификацияси ва ташхислаш самарадорлигини оширишда артериал босимнинг давомийлиги ва вариабелик параметрларини комплекс баҳолашда қўллаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/423-сон маълумотномаси). Натижада артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини баҳолаш орқали касалликни самарали даволаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

артериал гипертония билан хасталанган беморларни даволаш натижалари асосида «Артериал гипертензиянинг юқори хавфи кузатилган беморларда самарали органопротекция учун мақбул антигипертензив терапияни танлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/423-сон маълумотномаси). Натижада нишон аъзоларнинг симптомсиз шикастланиши билан АГнинг юқори хавфи кузатилган беморларга кальций антагонистлари ёки диуретиклар комбинациясида РААС блокаторлари билан икки компонентли терапияни бошлаш тавсия қилинади. АГ беморларининг икки томонлама антигипертензив терапияга резистентлигида кальций антагонистлари ва диуретиклар, РААС блокаторлари билан уч компонентли терапия тавсия қилиш имконини берган;

артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий –амалий тиббиёт марказининг Қарши ва Жиззах вилоятлари филилалларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 апрелдаги 8н-д/127-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши АГ беморларида нишон аъзоларни клиникагача шикастланишини эрта ташхислаш, касалликнинг клиник кечиши ва асоратлари ривожланиш хавфини ўз вақтида баҳолаш, касаллик профилактикаси ва даволашга самарали ёндашув, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, артериал гипертензия кузатилган беморларда даволашга дифференциацияланган ёндашув билан стратификация хавфи ҳамда диагностика самарадорлигини ошириш учун артериал босим вариабеллиги ва артериал қаттиқлик параметрларини комплекс баҳолаш артериал босимни мақсадга эришиши ҳамда даволашга кетадиган маблағни 20% га тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та

мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида юрак қон томирни қайта моделлашишига, шунингдек АГ беморларида артериал қаттиқликка турли хавф омилларининг таъсири бўйича материаллар келтирилган адабиётлар шарҳи ёритилади, юрак қон томир касалликларига эга кишиларда юрак қон томир предикатори ва юрак қон томир (ЮҚТК) касалликлари ошган хавф маркерини тан олган томирлар чўзилиши ва тузилишли томир ўзгариши, чап қоринча диастолик дисфункцияси, чап қоринча гипертрофияси ҳақида кенг кўламли эпидемиологик тадқиқотлар олиб борилади, ушбу адабиётларда АГ беморларида артериал босимнинг кунлик профил хусусиятлари муҳокама қилинади, АГ кузатилган беморларда юрак қон томир қайта моделлаштириш даражасига турли синф препаратларининг таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши билан урта асосий антигипертензив препаратлар текширилган клиник тадқиқотларнинг қисқача шарҳи берилган.

Диссертациясининг **«Артериал гипертонияда чап қоринча миокардининг структуравий функционал ҳолати ва артерияларнинг таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқлигини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот методологияси ёритилди. Илмий иш мақсадидан келиб чиқиб, клиник текширув учун ҳар икккала жинс вакилларида 30-75 ёшлардаги 2018-2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология тиббиёт марказида Артериал гипертония лабораториясида амбулатор текширувдан ўтган АГ I-III даражалари кузатилган (ESC/ESH, 2018) 219 бемор тадқиқотга жалб қилинган. Беморларнинг ўртача ёши  $55,8 \pm 11,0$  ёшни ташкил қилди, АГ нинг ўртача давомийлиги АГ –  $9,6 \pm 7,1$  йил. Тадқиқотдан истисно

мезонлар қуйидагилар: симптоматик артериал гипертензия; III-IV ФС зўриқиш стенокардияси, сурункали юрак етишмовчилигининг II-III босқичлари; юрак ритми бузилган беморлар; ностабил стенокардиянинг ҳамма шакли; анамнезда бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши ва охириги йилда инфарктдан кейинги кардиосклерознинг мавжудлиги, оғир алмашинув бузилишлар, буйрак ва ўпка етишмовчилиги, оғир ҳамроҳ касалликлар, тадқиқотда иштирок этишга беморнинг рози бўлмаслиги ҳисобланади.

Барча беморлар брахиоцефал артерияси ультратовуш текширув, апланнацион тонометрия, тўқима доплерографияси билан эхокардиография, электрокардиография, микро-альбуминурия (МАУ), қонда сийдик кислотаси, глюкоза, креатинин, липид спектрини аниқлашни ўз ичига олган қоннинг биокимёвий таҳлили, АБ нинг кунлик мониторинги, клиник текширувдан ўтказилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Statistica 10.0 дастуридан фойдаланиб, Microsoft Excel 2010 материаллар базасида олиб борилди. Маълумотлар қуйидаги турларда ифодаланди: ўртача ( $M$ )±стандарт оғиш ( $SD$ ), шунингдек медиана ( $Me$ ), пастки ( $Q1$ ) ва юқори ( $Q3$ ) кватили. Тақсимланишга боғлиқ узлуксиз катталиқ фарқининг статистик қийматини аниқлаш учун  $t$  Стъюдент мезони (параметрик тақсимотда) ҳамда Уилкоксон,  $U$ -мезони Манн-Уитни мезонларидан (нопараметрик тақсимотда) фойдаланилди. Дискрет ўзгарувчанликни таққослашда  $\chi^2$  мезонидан фойдаланилди. Бир нечта намуналар медиана тенглигини текшириш учун Краскела-Уоллиснинг бир томонлама дисперсион таҳлилидан фойдаланилди. Микдорий белгиларнинг корреляцион боғлиқлигини баҳолаш учун чизиқли регрессия ва корреляцион таҳлил (Спирмен корреляция коэффиценти) усули қўлланилди. Тафовут ва корреляцион боғлиқлик  $p < 0,05$  статистик қийматда ҳисобланди. Гуруҳлар ичидаги динамик ўзгаришни баҳолаш учун белги мезонлари,  $t$  мезонидан фойдаланилди. 3 тадан ортиқ гуруҳларни таққослашда таҳлилнинг ANOVA вариантыдан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Артериал гипертензия кузатилган беморларда юракни қайта моделлаштириш жараёнининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида чап қоринчани қайта моделлаштириш хусусиятларининг клиник-анамнестик тавсифи ва хавф омиллари ҳисоби билан артериал гипертензия кузатилган беморларда клиник-гемодинамик кўрсаткичлар тўлиқ берилган. Юракни қайта моделлаштириш хусусиятига ўзгартириб бўлмайдиган хавф омиллари сингари ёшга таъсирни ўрганиш мақсадида барча 219 нафар бемор ёшга қараб уч гуруҳга бўлинди:

I. < 45 ёш –  $n=38$  (17,4%) бемор.

II. 45-65 ёшли –  $n=133$  (60,7%) бемор.

III. 65 ёшдан ошган –  $n=48$  (21,9%) бемор.

Таъкидлаш жоизки, ўрганилган беморлар гуруҳида ўртача 45-65 ёшли беморлар устунлик қилди. 3.1-жадвалдан кўринадик, АГ давомийлиги ёш ошиши билан ортиб борди ва I гуруҳда  $5,7 \pm 4,6$  ёш, II гуруҳда –  $9,5 \pm 7,0$  ёш ва III гуруҳда –  $13,6 \pm 7,5$  ёшни ташкил қилди ( $p < 0,001$ ). Ўзгартириб бўлмайдиган

хавф омиллари сингари ирсият қари ёшлилар орасидагига нисбатан ёш ва ўрта ёшлилар орасида катта даражада намоён бўлди. Жумладан, АГ бўйича оғирлашган ирсият I гуруҳда 92,1% ҳолатда, II гуруҳда – 90,2% ҳолатда ва III гуруҳда- 77,1% ҳолатда учради ( $\chi^2= 6,47$ ,  $p=0,039$ ). Ёшлар орасида чекувчилар кўп бўлиб, 34% беморда, ўрта ёшдагилар орасида 18,0%, катта ёшдагилар гуруҳида 6,2% беморда кузатилди.

ЮИК (юрак ишемик касалликлари), қандли диабет (ҚД) ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) сингари бириккан ҳолатлар кўпинча катта ёшлилар гуруҳида ташхисланди (3.2-расм). ЮИК I гуруҳда 7,9% ҳолатда, II гуруҳда – 27,8% ҳолатда ва III гуруҳда – 85,4% ҳолатда кузатилди ( $\chi^2= 100,0$ ,  $p=0,000$ ); ҚД I гуруҳда 0% ҳолатда, II гуруҳда – 8,3% ҳолатда ва III гуруҳда – 27,1% ҳолатда учради ( $\chi^2= 18,45$ ,  $p=0,000$ ); СЮЕ I гуруҳда 5,3 % ҳолатда, II гуруҳда – 30,8% ҳолатда ва III гуруҳда – 58,3% ҳолатда ташхисланди ( $\chi^2= 27,66$ ,  $p=0,000$ ). Семизликнинг III босқичи фақат ўрта ёшлилар гуруҳида 9,7% ҳолатда аниқланди. Текширилган 219 нафар АГ беморлари орасида (3.1-жадвалга қаранг).

45 ёшдан кам бўлган гуруҳда ( $n=38$ ) АГ I даражаси 6 (15,8%), II даражаси – 16 (42,1%), III даражаси – 16 (42,1%) беморда аниқланди. Маълумки, АГ нинг II ва III даражалари тарқалган. 45-65 ёшлилар гуруҳида АГ нинг I даражаси 32 (24,1%) беморда, II даражаси – 57 (42,8%) беморда, III даражаси – 44 (33,1%) беморда аниқланди, шундай қилиб, АГ нинг II даражаси тарқалганлиги аниқланди. 65 ёшдан катталар гуруҳида АГнинг I даражаси 14 (29,2%) беморда, II даражаси – 22 (45,8%) беморда, III даражаси – 12 (25,0%) беморда ташхисланди, бунда АГ нинг II даражаси сезиларли даражада кўп учради. Таъкидлаш жоизки, ГК нинг III даражаси катта ёшлилар гуруҳида I ва II гуруҳларга: 18,4% ва 65,4% ҳолатда нисбатан катта даражада 81,2% ҳолатда учради ( $\chi^2= 100,0$ ,  $p=0,000$ ).

Турли ёшдаги беморлар гуруҳида ЧҚГ учраш частотасининг таҳлили ЧҚГ ёш ва катта ёшлилар гуруҳига нисбатан 65,8% ва 77,1% кўпроқ ўрта ёшлилар гуруҳида 86,5% ҳолатда ташхисланди ( $\chi^2=8,71$ ,  $p=0,013$ ). Бунда катта ёшлилар гуруҳида чап қоринча диастолик дисфункцияси учрашининг катта частотасига мойиллик кузатилди: I гуруҳда - 39,5% ҳолатда, II гуруҳда – 49,6% ҳолатда ва III гуруҳда – 60,4% ҳолатда ( $\chi^2= 3,73$ ,  $p=0,155$ ).

Юракнинг морфо-функционал параметрлари таҳлили ёш билан айрим хусусиятларни аниқлаш имконини берди. Чап булмача (ЧБ) ўлчами I ва III гуруҳларга:  $3,8\pm 0,4$  см ва  $3,8\pm 0,4$  см нисбатан ўрта ёш гуруҳида сезиларли катта  $4,0\pm 0,5$  см бўлган ( $p<0,05$ ). Чап булмача (ЧБ) ҳажми II гуруҳ беморларида  $43,7\pm 13,0$  мл қарши  $53,6\pm 17,0$  мл, I гуруҳда  $49,5\pm 13,3$  мл бўлган ( $p<0,05$ ). Чап булмача индексацияланган ҳажми ҳам II гуруҳ беморларида бир мунча катта бўлган  $30,0\pm 14,6$  мл/м<sup>2</sup> қарши  $31,2\pm 11,9$  мл/м<sup>2</sup>, I гуруҳда  $28,1\pm 8,0$  мл/м<sup>2</sup> II гуруҳда ( $p>0,05$ ), аммо бунда нормадан ташқари бўлди. Шунга қарамасдан, чап қоринчанинг диастолик дисфункцияси (ЧҚДД) катта ёшдаги беморлар гуруҳида аниқланди. Жумладан, РЕ/РА кўрсаткичи III гуруҳда

1,1±0,4 в I гр қарши 0,8±0,2, II гуруҳда 0,9±0,3 паст бўлган (p<0,02). Таъкидлаш жоизки, ЧҚДД I гуруҳда РЕ/РА кўрсаткичи бўйича бузилмаган.

Гендер тафовутлари бўйича клиник-анамнестик тавсифнома таҳлили эркакларнинг ўртача ёши аёлларникидан ишончли даражада паст бўлганлигини кўрсатади 57,7±10,2 ёшга қарши 52,7±11,4 ёш (p<0,02). Бел айланаси (БА) аёлларга нисбатан эркакларда ортиқ бўлди: 97,5±15,6 см га 100,6±14,7 см (p<0,05). Бунда семизлик II даражасидан кўпроқ эркакларга нисбатан аёллар азият чекишди 30,4% ва 17,8% (p<0,05).

ҚБСП билан марказий гемодинамика параметрлари таҳлили ЧЮ ҳажми найт-пиккерлар гуруҳида бир мунча катта бўлди: 4,0±0,5 см, овер-дипперлар гуруҳида - 3,8±0,0 см, дипперлар - 3,8±0,4 см ва нон-дипперлар гуруҳида - 3,9±0,5 см (p<0,05) (3.10-жадвал). Қоринчалараро тўсиқ қалинлиги (КТҚ) нон-дипперлар орасида: овер-дипперлар гуруҳида 1,2±0,2 см қарши 1,3±0,2 см, дипперлар гуруҳида 1,2±0,2 см ва найт-пиккерлар гуруҳида 1,2±0,2 см катта кузатилди (p<0,05). Нон-дипперлар гуруҳида ЧҚГ ифодаланиши нима ҳисобига бундай кузатилди: овер-дипперлар гуруҳида 126,6±21,4 г/м<sup>2</sup> га қарши 141,5±33,5 г/м<sup>2</sup>, дипперлар гуруҳида 118,8±32,0 г/м<sup>2</sup>, найт-пиккерлар гуруҳида 130,1±38,6 г/м<sup>2</sup> (p<0,05).

Артериал босимнинг тунги пасайиши (3.5-расм) ҳисоби билан АГ беморлари орасида чап қоринча эхо-геометрия турининг учраш таҳлили (Сапаи А. ва ҳаммуалл., 1992) кўрсатишича, ЧҚ (II тури) концентрик қайта моделлаш найт-пиккерлар гуруҳида - 23,9% беморда, нон-дипперлар гуруҳида - 7,7% беморда ва дипперлар гуруҳида - 17,7% бемор кўрсаткичига нисбатан овер-дипперлар гуруҳида 28,6% беморда кўп учради ( $\chi^2=7,06$ , p=0,029). Таъкидлаш жоизки, концентрик ЧҚГ (III тури) кўпроқ нон-дипперлар орасида: 29,8% беморда, найт-пиккерлар орасида - 10,9% беморда, дипперлар орасида - 9,7% беморда ва овер-дипперлар орасида - 14,2% беморда кузатилди ( $\chi^2=6,47$ , p=0,039).

ЧҚ ФЧ (аорта ёруғлигида юрак қисқариши вақтида чап қоринчадан чиқадиган қон ҳажми кўрсаткич) нормада ва паст бўлган беморларда ЧҚДД даражаси ва ЧҚ босими ҳамда тўлишини баҳолаш алгоритмига мквофик, юрак дистолик дисфункциясининг ифодаланишига хавф омиллари ҳамда клиник-гемодинамик кўрсаткичларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида [ЭХОКС тавсияси 2016] барча АГ беморлари икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳни ЧҚДД кузатилган беморлар n=113 (51,6%) ва 2-гуруҳни ЧҚДД кузатилмаган беморлар n=106 (48,4%) ташкил қилди. ЧҚДДнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолаш учун қуйидаги мезонлар хизмат қилди:

ЧҚДД мавжудлиги: E/A ≤ 0,8 ва > 2,02 муносабати. ЧҚДД мавжуд эмаслиги: E/A >0,8 ва < 2,0 муносабати. ЧҚДДнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳисоби билан АГ беморларида (3.9-жадвал) олиб борилган клиник-анамнестик параметрлар таҳлили ЧҚДД мавжуд гуруҳда беморларнинг ўртача ёши ЧҚДД мавжуд бўлмаган гуруҳга нисбатан юқори бўлган 53,4±10,9 ёшга қарши 58,1±10,5 ёш (p<0,02). Антропометрик параметрлар бўйича ҳар иккала гуруҳ беморлари фарқ қилмади.

Таъкидлаш жоизки, ЧҚДД мавжуд гуруҳ беморларида ЮИК кузатилян беморлар сони ЧҚДД мавжуд бўлмаган гуруҳ беморларига нисбатан устунлик қилди 45,3% га қарши 61,1% ( $\chi^2=7,82$ ,  $p=0,005$ ). АГ бўйича оғирлашган ирсият кузатилган беморлар миқдори ЧҚДД мавжуд беморлар гуруҳи орасида 6,2% ЧҚДД мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳига нисбатан кўпроқ аниқланган; чекувчилар ЧҚДД мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳига нисбатан ЧҚДД мавжуд беморлар гуруҳида 7% кўп кузатилган, аммо бу тафовут ишончли характерга эга бўлмаган.

Диссертациянинг «Артериал гипертензия кузатилган беморларда юрак қон томир тизимини тузилишли функционал қайта моделлаштириш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида томир деворлари қаттиқлик параметрлари билан артериал гипертензия кузатилган беморларда клиник –гемодинамик кўрсаткичлар ва чап қоринчани қайта моделлаштириш хусусиятларининг клиник –анамнестик тавсифномаси тўлиқ берилган. 0,9 мм дан ошиқроқ ИМК қалинлиги кузатилган АГ беморларида 0,9 мм камроқ бўлган ИМК қалинлиги кузатилган беморларга нисбатан периферик ва марказий артериал босим юқори бўлган. Катта даражада САД, ПБ, ПТТТ ва ПТ аугментациясини тавсифловчи кўрсаткич ортган.

#### 1-жадвал

#### Уйқу артериясининг атеросклеротик шикастланиш даражасига боғлиқликда АГ кузатилган беморларда аппланацион тонометрия кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ, n=67	II гуруҳ, n=73	III гуруҳ,=79	F	p
Ёш, йил	51,7±6,6	56,7±7,8	58,2±4,5	9,08	0,000
п С А Б, мм сим. уст.	146,4±10,6	157,9±5,6	165,8± 12,5	1,00	0,412
пДАБ, мм сим. уст.	81,6±8,2	83,3±10,0	83,8±9,9	0,67	0,617
пПД, мм сим. уст	64,8±6,9	74,6±6,8	82,0±15,4	4,63	0,002
цСАБ, мм сим. уст.	150,9±11,0	160,2±11,7	172,4±12,3	0,71	0,587
цДАБ, мм сим. уст.	82,6±8,2	80,3±10,1	78,5±9,9	0,76	0,556
цПД, мм сим. уст.	68,3±6,3	79,9±10,4	93,9±12,8	4,3	0,005
АА, мм сим. уст.	15,4±4,4	20,4±2,6	28,3±2,1	0,56	0,28
СРПВ, м/сония	9,1±1,2	10,5±1,1	12,1±0,8	5,8	0,0012
АІх, %	15,6±1,5	20,2±3,5	32,1 ±7,0	6,5	0,00001
АІх@HR75, %	17,93±1,9	23,2±4,5	37,7±4,1	3,4	0,023

СА ҳолатига боғлиқликда текширилаётган беморларда периферик ва марказий (аортал) АБ кўрсаткичлари – апланацион тонометрия натижалари 2-жадвалда берилди. Бунинг учун беморлар 3 гуруҳга ажратилди: I гуруҳни КИМ қалинлиги 0,9 мм дан кам бўлмаган қалинликдаги СА сонометрия маълумотлари бўйича 67 нафар бемор ва СА да атеросклеротик тошмалар йўқ беморлар ташкил қилди; III гуруҳни сонометрия маълумотларига кўра, уйқу артериясида атеросклеротик тошмалар аниқланган, 0,9 мм дан каттароқ КИМ қалинлиги билан АГ кузатилган 79 нафар бемор ташкил қилди.

Олинган маълумотлардан маълумки (2-жадвалга қаралсин), САда атеросклеротик шикастланиш даражасининг ошишида САБ даражаси ўзгармайди, ДАБ даражаси эса пасайишга мойил бўлади. САда атеросклеротик шикастланиш даражасининг ошиши билан периферик ва марказий ПД, АІх, АІх@HR75 ва СРПВ ҳажми статистик сезиларли даражада ортади, бу уларда атеросклеротик жараённинг ўта ифодаланган даражасидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, СА шикастланиш даражасининг ошишида томир деворлари қаттиқлиги ва цПП аугментациясини тавсифловчи кўрсаткичларни оширади.

Турли ёш гуруҳларида СА шикастланишининг ҳар хил даражаси кузатилган беморларда марказий ГБ хусусиятларини таҳлил қилдик. Олинган маълумотлардан кўринадик, 40-55 ёшда САда атеросклеротик шикастланиш даражасининг ошиши билан АА, АІх кўрсаткичи, периферик ҳамда марказий ПД ва ПТТТ ишончлик ортади ( $p < 0,05$ ). Катталар ёш гуруҳида ёш ошиши билан марказий босим, АІх, АА, пПД, цПД ва ПТТТ ишлнчли даражада ортади. СА атеросклеротик шикастланиш даражасига боғлиқ ёш гуруҳлари таққосланганда цСАД максимал қиймати–  $171,4 \pm 13,0$  мм рт. ст. ( $p = 0,015$ ), цПД –  $86,8 \pm 9,1$  мм рт. ст. ( $p = 0,001$ ), АІх –  $44,4 \pm 9,0\%$  ( $p = 0,025$ ), АІх@HR75 –  $22,9 \pm 3,8\%$  ( $p = 0,031$ ) и СРПВ –  $14,4 \pm 3,8$  м/с ( $p = 0,015$ ) катта ёшлилар гуруҳида САда атеросклеротик шикастланиш аниқланди. III 55-65 ёшлилар гуруҳида 45-55 ёшли беморларга нисбатан СА аналогик шикастланиши ПТТТ  $3,5$  м/с каттароқ бўлди ( $p = 0,0051$ ).

Тадқиқотга киритилган беморлар ёш белгилари бўйича икки марта кетма кетликда (60 ёшдан катта – қарилар – ва 60 ёшдан кичиклар), кейин эса изоляцияланган систолик АГ (ИСАГ) мавжудлиги белгилари бўйича 2 гуруҳга ажратилди.

Ажратилган гуруҳларнинг бир хиллиги таҳлил қилинганда 60 ёшдан кичик ва катта ёшлилар гуруҳи АБ даражаси бўйича фарқ қилмади, ўртача кунлик систолик артериал босим мос ҳолда  $129,3 \pm 14,7$  мм рт. ст ва  $136,5 \pm 18,9$  мм рт. ст. эканлигини ( $p = 0,1$ ), ўртача дисатолик АБ -  $81,9 \pm 11,5$  мм рт. ст. ва  $81,0 \pm 10,3$  мм рт. ст. эканлигини аниқлади ( $p = 0,9$ ). 60 ёшдан кичик беморлар гуруҳида эркаклар 56%, аёллар 44% бўлган; 60 ёшдан катталар гуруҳида мос ҳолда - 41% ва 59% ҳолатда кузатилган. 60 ёшдан кичик ва катта ёшлилар гуруҳи беморлари жинс тақриби бўйича тафовутланмади ( $p \sim 0,22$ ).

**Артериал гипертензия кузатилган беморларда ўртача «интима-медиа» (ТИМ) комплекси қалинлигига боғлиқ томир деворларининг қаттиқлик кўрсаткичлари, [95% ишончли интервал]**

Кўрсаткичлар	ТИМ≤0,9 мм	ТИМ>0,9 мм	р
D, мм сим. уст. <sup>-1</sup>	0,003 [0,002; 0,003]	0,001 [0,001; 0,002]	0,004
Ер, мм сим. уст.	485,33 [369,68; 600,98]	787,17 [613,05; 961,29]	0,004
Еу, мм сим. уст./см	6157,93 [4986,94; 7339,91]	6897,58 [5167,99; 14896,87]	0,0303
SI	5,48 [5,26; 5,69]	6,13 [5,40; 6,22]	0,902

Диссертациянинг “Артериянинг эгилувчан –эластик хусусиятлари ва чап қоринча миокардининг тузилишли функционал ҳолати ҳисоби билан антигипертензив терапиянинг клиник томонлари ” деб номланган бешинчи бобида артериал гипертензия кузатилган беморларда комбинацияланган антигипертензив терапиянинг клиник самарадорлиги тўлиқ берилган. 6 ойлик ИАПФ/АРА+диуретик комбинацияланган терапия АБ мақсадли даражасига эришиш (<140/90 мм рт. ст.) бўйича ҳамда ўртача артериал босимнинг пасайиш даражаси (ўртача АБ) >15% баҳоланган антигипертензив терапиянинг юқори даражага эга эканлиги кўрсатилди. САБнинг юқори даражада -23,3±5,7% пасайиши, ДАБнинг -16,0±8,0% га ва ўртача АБ нинг -19,5±5,7% га камайиши билан САБ, ДАБД, ўртача АБнинг ишончли пасайиши аниқланди. Бунда САБ нинг мақсадли даражаси 100% беморда, ДАБ -100% беморда, бир вақтнинг ўзида САБ ҳамда ДАБ 100% беморда кузатилди.

СМАД маълумотларига кўра,САБ ва ДАБ нинг ўртача кунлик, ўртача кундузги кўрсаткичлари юқори даражада ишончлили камайгани аниқланди. Демак, САБнинг ўртача кунлик кўрсаткичи дастлаб 143,4±21,6 мм рт.ст. ва динамикада -120,9±10,5 мм рт.ст. (p<0,001); ДАБ нинг ўртача кунлик кўрсаткичи 87,7±15,5 мм рт.ст. ва 72,6±8,9 мм рт.ст. мм рт.ст., ташкил қилди (p<0,001); САБнинг ўртача кунлик кўрсаткичи мос тарзда 143,3±21,4 мм рт.ст. ва 122,6±11,0 мм рт.ст. (p<0,001); ДАБ нинг ўртача кунлик кўрсаткичи 89,5±15,6 мм рт.ст. ва 74,9±9,2 мм рт.ст. (p<0,001); САБнинг ўртача тунги кўрсаткичи 140,1±28,2 мм рт.ст. ва 117,3±8,9 мм рт.ст.; ДАБнинг тунги ўртача кўрсаткичи 83,8±18,1 мм рт.ст. ва 68,8±9,0 мм рт.ст. мос ҳолда ташкил қилди (p<0,001). САБ ва ДАБ нинг ўртача кундузги ва ўртача кунлик кўрсаткичлари вариабеллигининг сезиларли камайиши, шунингдек САБнинг ўртача тунги кўрсаткичлари кўрсатилди. Бунда динамикада кўрсаткичлар стандарт қийматга етди.

Беморларда АБнинг мақсадли даражасига эришиши ИАПФ/АРА + диуретиклар билан комбинацияланган терапиянинг органопротектив самарадорлигини таъминлайди, чап қоринча эхогеометриясининг ҳажмли

кўрсаткичи камайиши, юракнинг диастолик фаолиятининг яхшиланиши, умумий уйку артериясида КИМ қалинлигининг камайишида ифоланди.

Бирок, чап қоринча миокард вазни (ЧҚМВ) динамикаси ва чап қоринча миокард вазнининг индексланган кўрсаткичи (ЧҚМИВ) бўйича баҳоланадиган ЧҚГ нинг тескари ривожланиши аниқланди. Таъкидлаш жоизки, аорта ҳажми:  $3,0 \pm 0,3$  см га қарши  $3,2 \pm 0,3$  см ( $p < 0,001$ ); чап бўлмача ҳажми:  $3,6 \pm 0,5$  см га нисбатан  $3,9 \pm 0,5$  см ( $p < 0,02$ ); якуний диастолик ҳажмининг (ЯДХ):  $5,0 \pm 0,4$  смга қарши  $5,1 \pm 0,4$  см ( $p < 0,001$ ) ишончли кичрайиши аниқланди. Яна ЯДХ кўрсаткичининг сезиларли камайиши аниқланди:  $121,9 \pm 26,3$  мл га қарши  $128,8 \pm 24,5$  мл ( $p < 0,001$ ); ЯСХ:  $31,3 \pm 10,8$  мл қарши  $44,5 \pm 8,0$  мл ( $p < 0,001$ ). Бунда УО:  $97,1 \pm 20,5$  мл га қарши  $84,3 \pm 19,1$  млга катталашди ( $p < 0,02$ ) ва юракнинг қисқариш фаолияти яхшиланди, бу ФВнинг  $74,7 \pm 6,1\%$  га қарши  $65,3 \pm 4,0\%$  га ошишида кузатилди ( $p < 0,001$ ). Таъкидлаш жоизки, РЕ/РА ва индексланган ЧБХ (иЧБХ) бўйича тақдим этилган терапия фонида юракнинг диастолик фаолияти яхшиланди. Жумладан, РЕ/РА кўрсаткичи дастлаб  $1,0 \pm 0,3$  ва динамикада  $-1,1 \pm 0,4$  ( $p < 0,05$ ); иЧБХ кўрсаткичи мос ҳолда  $34,0 \pm 13,9$  мл/м<sup>2</sup> ва  $26,3 \pm 7,8$  мл/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди ( $p < 0,02$ ).

ИАПФ/АРА+диуретик билан комбинацияланган терапиянинг ишончли кардиопротектив самарадорлиги вазопротекциянинг ифодаланишида кузатилди, бунда умумий уйку артерияси КИМ қалинлигининг ишончли камайгани, шунингдек МАУ даражасининг пасайиши аниқланди. КИМ қалинлиги дастлаб  $1,0 \pm 0,2$  мм ва динамикада  $0,9 \pm 0,2$  мм ( $p < 0,02$ ); МАУ даражаси  $-36,8 \pm 60,9$  мг/л га қарши  $36,8 \pm 60,9$  мг/л ни ташкил қилди ( $p < 0,001$ ).

